



XIX аср иккинчи ярмида Туронзаминнинг чор Россияси томонидан нисбатан осонгина босиб олинishi сабаблари хусусида гап борганида, кўп ҳолларда ўлкадаги Бухоро, Кўкон ва Хива хонликларининг ҳукмфармолари ўзаро аҳил бўлмаганлиги масаласига ургу берилади. Бу фикр тўғри деб ўйлаймиз. Негаки чор Россияси боскинидан олдинги даврларда ҳам бу уч мамлакат хонлари орасида турли низолар чиққан, улар бир-бирларининг ерларига ҳужум қилиб, аҳолини талон-тарож этиш ҳоллари рўй бериб турган. Бироқ Россия императорлиги Марказий Осиёни босиб олиш фикрини қатъийлаштирганидан кейин хонликларни бир-бирига гиж-гижлаш, улар орасида ўтиб бўлмас чох пайдо этиш мақсадини муттасил равишда амалга оширганлигини архив материаллари тасдиқлайди.

Ҳапни олис даврлардан бошламай, XIX асрнинг биринчи ва иккинчи чорагидаги воқеаларга назар ташлай қолайлик. Чор Россияси ҳукмрон доиралари бу хонликларга савдогар, сайёҳ никобида кетма-кет жосуслар йўллаб, хонликлардаги ҳақиқий аҳволдан пухта хабардор бўлгач, уларнинг босқинчилик режаларида алдам-қалдам дипломатияси тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди. Бунда улар, бир томондан, Кўкон, Бухоро ва Хивадан Россияга юборилган элчилардан ўз ёвуз мақсадларини яшириб, хонликларга яқин ҳудудларда ҳарбий истехкомлар қуриш, дарё портларини келажакдаги ҳужумлари учун мувофиқлаштириш каби номатлуб ишларини гўё хонликлар манфаати йўлида қилинаётган ишлар сифатида кўрсатмоқчи бўладилар. Иккинчи томондан, Туронзаминга

боскин онлари якинлашгани сари бу ердаги хонлар орасидаги низони атайлаб кучайтиришга қаратилган манфур дипломатияни император ва унинг энг якин аъёнлари иштирокида амалга оширишга эришадилар.

Бу алдам-калдам дипломатиянинг намуналаридан бири 1842 йил бахорида Кўкон хонлиги амир Насрулло томонидан босиб олинган, тез орада Россия императори Николай биринчининг амирга йўллаган мактуби эди. Икки хонлик ўртасидаги бу адолатсиз урушнинг бош сабабчиси амир Насрулло эканлигини яхши билган император амирнинг Кўкондаги галабасидан мамнун эканини билдиради. Унга гўё илтифот кўрсатаётгандек бундай деб ёзган эди: «Кўкондаги тахт учун курашларни бартараф қилиш зарур. Шундай кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё бўйигача бўлган ерлар, Жиззахдан бошлаб Ўратепа, Хўжанд, Кўкон, Маргилон ва Кашгар чегарасигача бўлган ерлар Сиз Хазрати олийларининг кўлларида бўлиб, ҳукмронлик қилишингизни истаймиз».

Вахоланки, бу мактубдан атиги уч ой чамаси аввал, 1842 йил 25 февралда хонлик элчиси Мухаммад Халил Сохибзода оркали Мухаммад Алихонга йўлланган мактубида Николай биринчининг худди ўзи: «Сизнинг кудратли Россия давлати билан мунтазам равишда дўстона алоқаларда бўлиш истагингизни билиш Биз учун гоят ёқимли бўлди. Сизнинг бу яхши ниятларингизни Биз ўз томонимиздан қамоли эҳтиром ила қабул айлаймиз. Биз ишонамизки, Сизнинг ўзаро дўстона қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш ҳақидаги самимий гамхўрлигингиз келгусида муваффақиятли натижаларга олиб келади. Сизга барча эзгуликларни тилаб қоламиз» (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 715- жамгарма 1-қайд, 4-иш, 16-саҳифа), деб ёзганди.

Россиядек оламга танилган, кудратли давлатнинг императори уч ойгина аввал дунёнинг барча яхшиликларини тилаб қолган Кўкон хонлигига энди ёмонликларни раво қўради. Лекин орадан бирмунча вақт ўтиб худди шу амирлик ва Хива хонлиги императорликнинг вассалига айлантирилишидан ташқари Кўкон хонлигининг номи жаҳон харитасидан бутунлай ўчирилди.

Юкорида амир Насрулло томонидан 1842 йилда Кўкон хонлигида амалга оширилган ишлар соф маънодаги адолатсиз уруш бўлганлиги борасида сўз юритган эдик. Нега? Шунинг учунки, ўша вақтдаги Кўкон ҳукмдори ўз юртининг амирлик томонидан шафқатсизларча босиб олиниши, ўзи, укаси, волидаси, хотини, фарзандлари ва бошқа яқинлари билан тумонат олдида очикчасига қатл этилишига арзийдиган бирор иш қилмаган эди.

Ўша даврнинг ҳалол муаррихлари бу ҳусусда бизга аниқ маълумотлар қолдиришган. Улар барчаси бу мудҳиш босқинни қатта ва тузатиб бўлмайдиган тарихий ҳато сифатида баҳолашган. Тарихий манбалардан маълумки, амир Насрулло ўз босқинчилик юришини оқлаш учун гўё Мухаммад Алихон отаси уйланмокчи бўлган қанизакни никоҳга олиб, шариатга ҳилоф иш тутди, деган даъво билан чиққан. Исҳоқхон тўра Иброт «Тарихи Фаргона» номли асарида амир Насруллонинг бу ишига аслида нималар сабаб бўлгани ҳусусида қуйидагича ёзади: «Мухаммад Алихон аносини олди, деган сўз рост бўлмай, бухорийлар қатллари айбини сатри учун қилган қабихаларини тавжиги чиқарилмиш сўзлари экан. Асл муддао бўлак экан. Чунончи, Умар- хон: «оламан», деган Подшоҳхон оймни ҳуснини эшитиб, гойибона мафтунни жамол бўлуб, муни анга сабаб қилиб қелган экан... Мухаммад Алихонни халқни кўзига осию гуноҳкор кўрсатиб, шариатни поймол қилди, танбех даркор, деб қелиб, қанча хонзодау мазлума оймларни қатли бағайри ҳақ қилиб, охирул амр мурод ўшал ойм экан, олуб, муддаосига етиб, Бухорога олиб кетди».

Мирзоолим Мушрифнинг «Ансобу-с-салотин ва та-вориху-л-хавокин»ида эса амир Насрулло боскинининг бошка бир сабабига ургу берилади. «1252-санада (милодий 1936—37 йиллар) Фаргона хони Мухаммад Алихон бирла амир Насрулло ораларида Башогир ном калъа таъмири хусусида мунозаат (низо — Ш. Ю.) бўлди... Башогир калъаси мунозеъи ва ҳам бошка сабаблар ила амир Насрулло Баходирхон кўшин жамлаб, Фаргона ўлкасига юруш қилиб, низомий аскарлари бирла осонлик билан Башогирга истило қилиб, андин Ўратепа ва Хўжанд шаҳарларига дохил бўлуб, андин дорулмулки Фаргона бўлуб турган Хўканд устига келиб, катл айлаб Бухорога жўнади». Ўша даврдаги бошка муаррихларнинг асарларида ҳам амир Насрулло Кўконга қилган бу боскин сабаблари хусусида ҳамфикрлик кўзга ташланади. Улар бар-часи боскин сабабини, аввало, Мухаммад Алихон Кўкон хонлиги сарҳадларини мустаҳкамлаш учун амир ликка чегарадош Башогир калъасини янгилаганида, колаверса, Мухаммад Алихон никоҳига олган канизак Подшоҳхоннинг хусн-жамоли таърифини эшитган амир унга гойибона «ошиқ» бўлиб қолганида қўрадилар.

Амир Насруллонинг бу вахшиёна боскини ва бошка кўпдан-кўп номатлуб ишлари борасида гап борганида ўша даврнинг тарихчилари халқ ундан каттик норози бўлиб, амирни ўз исми билан эмас, балки «Ботир кассоб» лақаби билан атай бошлаганини қайд этадилар. Муаррихларнинг аксар қисми асарларида амир Насруллонинг аъёнлари ичида унга маслахат кўрсатишга, ҳақиқий аҳволни юзига айтишга журъат эта оладиган бирор киши йўқ эди, деган фикр устунлик қилади. Бирок ўша даврда ёзилган баъзи тарихий асарларда бу фикрнинг тескарисини исботловчи жихатлар ҳам учрайди. Манбалар шуни кўрсатадики, амир Насрулло қанчалар ўжар, шафқатсиз ва жаллодтабиат бўлмасин, унинг атрофида амирни дахшатли ишлардан қайтаришга даъват этган, ҳатто бу ишлар қандай мудҳиш оқибатларга олиб қелишини унинг юзига тик боқиб айтган мислсиз жасорат эгалари ҳам бўлган. Масалан, Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фаргона»да, Мирзо Олим Маҳдум «Тарихи Туркистон»да бундай улкан жасорат, инсоф ва ақл эгаларидан иккитаси хусусида алоҳида тўхталадилар. Уларнинг биринчиси моҳир саркарда. Абдусаммад ноиб, иккинчиси эса ул-қан шоир Жунайдулло Хозикдир. Амир Насрулло боскинига тоб беролмай, уқаси Маҳмудхон билан бирга қочган Мухаммад Алихонни унинг ҳузурига тутиб келтирганларида рўй берган воқеани Ибрат қуйидагича тасвирлайди: «Амир дарҳол қатлга ҳукм қилганда ўз вазирларидан Абдусаммад ноиб деган хушманд киши амирга «Жаноби олийларига малоли хотир бўлмаса, бир қалима сўз айтсам», деганда амир «Нима сўздур?» деган экан. Айтибдурки, «Холо Хўканд забт ўлди, Фаргона қатта мамлакатдур, қанча аскар у сипоҳу ҳазина сарф ўлуб олинди, алҳолда русияни қелмаги маҳали хавфдур. Агарда хонни онти ақид бериб, тавба қилдуруб, Хўкандга қўюб, Бухорога тобеъ қилиб, бир мулк бўлуб бизларга қелган душманларга бир қалқон бўлур эрди», деганда сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига қаш билан урдурган экан».

Абдусаммад ноибнинг ҳам мислсиз жасорат, ҳам тенгсиз донолик намунаси бўлган бу сўзларида икки жихатга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Аввало шуки, чор Россияси Окмасжидни босиб олишдан ўн бир йил илгари Абдусаммад бу «маҳали хавф»ни яққол идрок этиб, худди ана шу дафъ этиш мушкул бўлган хавфдан амирни огоҳлантиришга журъат этган. Иккинчидан эса, бу гапни оддий ноиб эмас, балки ҳарбий соҳада қатта мутахассис бўлган, ўзи инглизча таълим бериб, инглизча қуроллар билан таъминлаган 200 аскарӣй қучи билан хонликни енгилда алоҳида иш қўрсатган шахс айтмоқда. Аммо жохил ва нодон амир ақл-идрокда, билимдонликда, инсоф-адолатда

кўпчиликка намуна бўладиган Абдусамад ноибни ўйламай-нетмай халойик олдида каттик беобрў қилади. Кекчи амирнинг бу жазоси хали ҳамир учидан патир эди, холос.

Амир билан Абдусамад ноиб ўртасидаги муносабатлар ана игу жазолаш воқеасидан сўнг қандай тус олганлиги ва ноибнинг кейинги фожиали тақдири борасида Мулло Олим Маҳдум ўз китобида кенг маълумот беради:

«1250 (милодий 1834 йил) санада Эронистон тарафидин Абдусамад Табризий ном зот Бухорога келди. Ул одам доно ва фозил ва гоятда хунарманд ва закий ва соҳиброй эди. Онинг саъйи ва далолатли ила Бухоро мамлакатида бўлган Эрон асирларини сотиб олиб ва бошқа ваҳхлар илан олиб, икки юзга яқин жамлаб, инглиз тартибида низомлик аскар тартиб қилиб ва бошқа уруш асбобларини ҳозирлаб, отларга таълим бериб, адади оз бўлса ҳам, яхши мунтазам аскар аҳдос қилди... Абдусамадга ноиблик рутбаси берилиб, амир Насрулло наздида макбул, гоятда эътиборлик бўлди. Бир неча замонлардан кейин хассод ва душманлари кўпайиб, ҳар хил макрух тадбирлик сўзлар илан амир Насрулло онинг хусусидаги ихлос ва муҳаббатни қайтариб (ноибнинг асосий айби Кўконда амирга маслаҳат кўрсатишга журъат этгани эканлигидан муаллифнинг хабари йўқ чамаси — Ш. Ю.), охир тўпхона раёсатини бир нодон, жохил саркардага топшуруб, Абдусамадни онинг фармонида кўйди. Абдусамад бу ишдин гоятда ору номус қилиб, ниҳоятда кўнгли ранжиб, ораларида кудурат пайдо бўлуб, амирнинг ямон ниятидин хавфу талошга тушуб, Бухородан қочмок фикри илан Шаҳрисабз ҳокими илан аҳду паймон қилиб, амир Насруллонинг Шаҳрисабз урушида Абдусамад ўз табааси ва тўплари ила амирдан кўб илгари кетганликдин амир ваҳима қилиб, тўхтамоққа амр бериб, киши юборса ҳам қулоқ солмай кетиб тургонда, амир кетидин аскар юборуб, Шаҳрисабзга яқин қелганда муҳораба қилиб, олиб қайтиб, они зиндонга солиб, охири муни ҳам қатл қилди».

Бўлар-бўлмасга ҳадиксирайверадиған амирнинг Кўкон юришидаги қилмишлари тарих олдида унинг юзини қаро қилажағини башорат айлаган ва бу ҳақдаги фикрини амир юзига бир қашатғич байт билан айтган жасорат соҳиби Хозикнинг ҳаёти ҳам фожиали тугамаслиги асло мумкин эмасди. Бу хусусда «Ансобу- с-салотин ва тавориху-л-хавоқин»да Мирзо Олим Мушриф қуйидагича маълумот беради:

«(Хўқандаин) неча манзилу марохил тай айлаб Бухорога яқин борганда... амир Баҳодирхон хурсандлик қилиб, Мирзо Жунайдулло Маҳдум Хозик маалакабким, шайхулислом Хиротийнинг ўғуллари эрди, амири Бухорога кеча қундуз ҳамнишин эрдилар, зиёда густох эканлар, амир фармойиш қилдиким: «бизни бу сафардин бозафар қелганимизга бир фард байт машқ қилиб, бир нимарса айтинг», дедилар. Дарҳол бу байтни ўқудиларким, назми Хозик:

Буриди бар қад худ аз маломат,
Либосе то ба домони қиёмат.

(Таржимаси: Ўз қаддингга ёмонликлардан шундай бир либос бичтириб қийдинки, у устингда қиёматгача қолади.)

Амирнинг жаҳли қелиб, рангида қатра қон қолмади, то ўрдасига доҳил бўлгунча сўзламади.

Маҳдум Хозик таваҳхумга қолдилар ва ўшал кеча отланиб, Шаҳрисабзга ўтиб қетдилар... Амири Бухоро даргазаб бўлуб, неча муддатдин бери Душабой деган бир ўғрини зиндон қилиб қўюб эрди, ани чиқариб бир фармойиш қилдиким: «Сен агар Маҳдум Жунайдни ва эшон Шофеъни бошларини олиб қелсанг, банд- дин озод қиламан», деди. У ҳам қабул қилиб, Шаҳрисабзга қелди...

Чор Россияси Туронзаминни босиб олишга катъий қарор қилганидан воқиф бўлган Англия ҳукумати ўз манфаатларидан келиб чиқиб, Россиянинг бу ҳудудлардаги ҳукмронлигига йўл қўймаслик режаларини тузган эди. Бу режага кўра, Кўконда амир амалга оширган қонли воқеалардан илгарироқ Ўрта Осиёдаги уч хонликка ўзининг икки қобитини — полковник Стоддарт билан капитан Коноллини ҳам юборганди. Стоддартга Бухоро амирлигида, Коноллига эса Хива ҳамда Кўкон хонликларида юрт ҳукмдорлари билан учрашиб, уларни қоризм босқинига қарши биргаликда қурашишга тайёрлаш, бу ишда уларга инглиз ҳукуматининг амалий ёрдами қандай бўлишини тушунтириш вазифаси юкланган эди.

Машхур Исмоилбек Гаспдали ўзи нашр эттирган «Таржумон» газетасининг 1906 йилги сонларида эълон қилинган «Тарихи жадидаи Туркистон» номи, Мулла Олим Маҳдум эса кейинроқ «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган «Тарихи Туркистон» номи асарларида бу миссиянинг бош мақсади нималардан иборат бўлганлиги ҳусусида фикр билдирадилар.

«Стоддартнинг маслаҳати — деб ёзади И. Гаспдали, — инглизлар томонидан Бухорога бирор қасд ёки зарар қелтирмаслигига жаноби амирни ишонтириб, бошқа бир давлатнинг қасд ва тажовуздан мудоффаа этиш истаклари баёнидан иборат эди. Шунингдек, агар амир муносиб қурса, Бухоро аскарини янги ва тезотар тўплар ила аслаҳалантирмоқ ва аскарий муаллимлар бермоқ ва Русиянинг яширин ҳаракат ҳамда мақсадидан Бухоро ҳукумати хабардор қилмоқ эди».

Миссиянинг асосий мақсади борасида Мулла Олим Маҳдум қитобида шунга ўхшаш фикрлар баён этилади.

Муаррихларнинг шохидлик беришича, ҳудди шу мақсадда Хива ҳамда Кўконга борган капитан Конолли юрт ҳукмдорлари Аллоқулихон ва Муҳаммад Али-хон билан музокаралар ўтказиб, Англия қироллик ҳукумати таклифларига уларни қўндиради. Аммо Бухорога навбат қелганда амирнинг нотўғри йўл тутиши туфайли чор Россияси босқинидан омон қолишнинг тарих берган бирдан-бир имконияти бутунлай қарбод қерилади, ҳар икки элчи ҳар қандай инсоф ва адолатга зид равишда қатл этилади.

Воқеа бундай бўлган эди:

Чор Россиясининг Туронзаминни босиб олиш режасини амалга ошириш муддати тобора яқинлашиб қелаётганидан разведка материаллари орқали хабардор бўлган Англия ҳукумати ўз манфаатларига зид қелаётган бу босқиннинг олдини олиш пайига тушади. У шу ниятини амалга ошириш учун 1838 йилда дастлаб Бухорога полковник Миралай Стоддарт деган қишини махсус топшириқ билан юборади. Стоддартни икки марта қабул қилиб, у орқали инглиз ҳукумати ниятидан воқиф бўлган амир элчи таклифига ҳеч қандай жавоб бермайди. Орадан бир оз вақт ўтгач, элчи от устида Регистондан ўтганини эшитган амир На-срулло ўйламай-нетмай Стоддартни зиндонга ташлатади. Элчидан дом-дарак йўқлигидан ташвишга тушган инглиз ҳукумати турли каналлар орқали Стоддартнинг аҳолидан хабар топиб, Россия ҳукуматидан воситачилик қўрсатишини, элчини Бухородан чиқариб, ўша вақтларда Англия ҳукмронлик қилаётган Афғонистон ҳудудига ўтказиб юборилишига эришувини сўрайди. Россия ҳукумати эса ҳудди ўша даврда бошқа бир юмуш билан Бухорога юборилган ўз элчиси Бутаковга икки йил чамаси зиндонда азоб қилиниб, сўнг бўшатиш, аммо Бухородан қетишига йўл бермай ушлаб турилган Стоддарт ҳусусида амир билан сўзлашиб, Анг-лия ҳукумати илтимосини адо этишга қўмақлашиш ҳу-сусида қўрсатма беради. Бироқ қибру ҳавоси оламга сизмаган амир бу вақтда Кўкон хонлигини босиб олиш учун жўнаётган бўлиб,

Россия элчиси Бутаковни ҳам Регистонда от устида кеккайиб ўтирган холида «кабул» килади. Шундай бир вазиятда Бутаковнинг Стоддарт борасидаги илтимоси амалга ошмаганлиги ўз-ўзидан маълум.

Хулласи, Стоддарт масаласини хал этишни хохламаган амир Кўкон юришига йўл олади. Амир Насрулло Кўконда, тўғрироғи Махрамдаги ўз қароргоҳида турган чоғида унинг хузурига Англия томонидан Хива камда Кўкон хонликлариға худди Стоддартники сингари миссия билан юборилган капитан Конолли илгарирок Хиваға бориб, Аллокулихонни инглиз ҳукумати таклифлариға кўндирган, кейин айланма йўллар билан Кўконға келиб, Кўконда Муҳаммад Алихонни бу таклифларға асосан унатган эди. Бирок Конолли хали Кўкондаги ишларини саранжомлаб улгурмай амир Насрулло мўри-малахдай кўшини билан хонлик худудларини эгаллаб олган ва ўзи Махрамда қарор топиб, Коноллини хузуриға чақиртирган эди. Энди Конолли олдида икки йўл турар, биринчи йўл — Кўкондан яширинча қочиб кетиш, иккинчиси эса, ўлим хавфидан қўрқмай амир Насрулло қароргоҳиға бориб, унга ўз мақсадини тушунтиришдан иборат эди. Коноллиға хайрихоҳ бўлган Кўкон аъёнлари унга хонлик худудидан яширинча жўнаб кетишни маслаҳат берадилар. Бирок Конолли нима бўлса ҳам амир Насрулло хузуриға бориб, у билан гаплашишға қарор килади. Амир билан биринчи учрашувдаёқ унинг иши чаппасидан кетади. Элчининг ниятидан воқиф бўлган амир Насрулло дарҳол уни сарбозлар қўриқчилигида Бухороға, ҳамюрти ва ҳамкасби Стоддарт ташланган зиндонға жўнатади.

Кўконда ўн кунча туриб шаҳарни қонға ботирган, юзлаб бегуноҳ эрқағу аёлу қарию ёшни қатл этган, ҳазинани ҳам, хусусий кишилар бойликларини ҳам эгаллаб олган, уч юзга яқин гўзал аёлларни чўри сифатида ўз юртиға жўнатган амир Насруллоға худди ўша кунларда император Николай биринчининг махсус табрик хатини Россия вакили олиб келиб топширган эди. Россия императори томонидан пишағи қўтарилиб, аслида лакиллатилган амир Насрулло Кўкон хонлигини Шералихон эгаллаб олгунча ўтган вақт ичида яна ҳам пишкириб, босар-тусарини билмай қолган, зулм истибдоди ҳар қачонгидан ошиб кетган эди. Худди шундай бир шароитда ҳақ-ноҳақни, яхши-ёмонни, гуноҳ-савобни ажратишға қодир бўлмай қолган амир Насрулло Англия томонидан дипломатик мақсадларда қелган икки элчи-зобитни ўз хузуриға чақиртиради. Бу чақиртириш воқеаси қандай фожиа билан тугагани хусусида Мулла Олим Маҳдум хабар беради:

«Насруллоҳон Хўқандни тор-мор қилиб, эзиб, Бухороға қайтганда инглиз элчилариға дини исломни қабул қилмокка таклиф қилди. Инглислар жавобида: «Ҳукуматимиз тарафидан Мовароуннаҳрга маъмурият ила қелдук, дин тарқ қилмокға ёки динни қабул қилмокға қелмадук, умид қиламиз, шунға қараб муомала қилинсун», дебдурлар. Бу риҷолариға қарши жаллодға буюруб, элчиларни бош қесмок ила муомала қилинди. Инглисининг хайрихоҳона муомаласиға бу тариқа жавоб берилди».

Исмоилбек Гаспрали ҳам бу хусусида изтироб би-лан айнан шу фикрларни қайд этган. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, бизға маълум биргина манбада Стоддарт ва Конолли гўё инглизлар фойдасиға жосуслик қилганликлари учун қатл этилгани айтилади. Аммо инглизлар фойдасиға жосуслик қилган бу икки офицерни амир зиндонидан бўшатиб, бошқа мамлакатға ўтказиб юбориш учун Россия ҳукумати дипломат Бутаковға топширик бериши ҳам, Оренбург губернатори Обручев Бухорода улар қатл этилганлиги борасида Россия ҳарбий вазириға берган телеграммасида руслар учун ниҳоят муҳим бўлган жо-суслик масаласида лом-мим демаслиги ҳам бу даъвонинг асоси мустаҳкам эмаслигини қўрсатади.

Чиндан ҳам уч хонликни чор Россияси боскинига бўш келмайдиган қилишнинг, уларнинг мустақиллигини сақлаб қолишнинг тарих берган қулай имконияти биргина ҳукмдорнинг жохиллиги ва беъматни сиёсати тўғрисида барбод этилган эди.

Амир Насрулло шахси масаласида кишини нисбатда ҳайратлантирадиган яна бир жиҳат бор. Бу ўринда гап чор Россиясининг ўша даврдаги энг йирик амалдорлари амирнинг чидаб бўлмас феъл-атворидан, у юргизган такаббуруна ва нодонларча сиёсатдан мамнун бўлганликлари, унинг шахсига ўта баланд баҳо берганликлари ҳақида бормоқда. Оренбург корпуси кўмондони генерал-адъютант Безак 1861 йил 10 январда Россия ҳарбий вазири Чернишевга йўллаган маълумотномасида амир Насрулло ҳақидаги қуйидаги баландпарвоз сўзларни ёзади:

«Ажойиб ақл эгаси, энг уддабурон ва моҳир сиёсатчилардан бўлмиш Насрулло Бухорода ҳукмронлик қилган 34 йил давомида Туркистондаги барча халқлар устидан алоҳида бир жозибали қудратга эга бўлди» (Республика Марказий Давлат архиви, 715-жамгарма, 1-қайд, 23-иш, 175-саҳифа).

Чор амалдорлари амир Насруллога бундай юксак баҳо беришлари оқибатдан, яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан ажрата олмаган бу нодон ҳукмдор юргизган сиёсат чор Россияси ҳукуматининг мустамлакачилик максадларига мувофиқ келганлигида эди, деб ҳисоблаш мумкин. Амирнинг бу сиёсати қандай дахшатларга олиб келиши муқаррарлигини тез орада юз берган воқеалар яққол кўрсатди.

1842 йил баҳорида Кўкон хонлигини қонга ботириб енгач, ўша давр муаррихлари атаганидек, «Иброҳим ҳаёл деган тарёкий»ни хонликка ноиб сифатида қолдирган амир Насрулло тез орада қаттиқ зарбага учрайди, Кўконда тахтни Кўкон хонлари авлодидан бўлган Шералихон эгаллаб олади. Бундан даргазаб бўлган амир Насрулло ўзининг сон-саноксиз қўшини билан яна Кўкон сари йўл олади. Лекин бу сафар хонликни қайта бўйсундириш иложи бўлмайди. Амир Кўкон қалъаси деворлари ёнида икки ой чамаси шахарни қамал қилса ҳам ўз максадига эриша олмади турган бир вазиятда Аллоқулихоннинг ўғли Раҳимқулихон бошчилигидаги қўшинлар Бухоро амирлиги ҳудудларига бостириб кириб, қалъа ва истехкомларни бирин-кетин эгаллаб олаётганлари ҳақида хабар етади ва амир Насрулло ўз қўшини билан орқага қайтиб хивалиқларга қарши урушишга мажбур бўлади. Шу муносабат билан тадқиқотчи Поён Равшанов ёзади:

«Амир хивалиқларга қарши тирик жоннинг ҳаммасини, қарийб, юз минг қора черикни жамъ қилган бўлса- да мағлубият, минглаб одамларнинг асир қилиб олиб кетилиши уни ақлан мажруҳ этиб қўяди. Бухоро қора черигининг Хивага қарши жавоб юриши қилиб, Хазорасп ёнида буткул тор-мор қилиниши, амирнинг ўзи қочиб зўрга жон саклаши унинг кейинги ҳаётида машъум асоратлар қолдирди... Амирнинг муттасил қаҳру қазабда бўлиши, айтадиларки, Хива хони талонидан сўнг қарийб тўрт йил давом этади. Шу йиллар ичида Амир Насруллонинг бирор марта қулганини, аъёнлари билан очилиб гаплашганини ҳеч ким кўрмаган ва билмаган» («Малика Қенағас ойим ёҳуд Амир Насрул-лонинг ўлими қиссаси». Т., «Шарқ», 2000, 149—150-бет- лар).

Амир Насруллонинг бошига тушган бало-офатлар шулардангина иборат эмас. Хатто унинг ўлимига ҳам ана шу ярамас феъл-атвор ва қилмишлари сабаб бўлади. Амирнинг чексиз зулмларидан тўйиб кетган хотини Қенағас бегим ўз мақсади амалга ошувига эришди. «Насрулло Баҳодирхон 5 октябр (1860)да Самарқанддан қайтиши биланок вафот этди, — деб ёзади Оренбург корпуси кўмондони Безак 1861 йил 10 январда Рос-сия ҳарбий вазирига йўллаган маълумотномасида. — Унинг хотини ўз ақаси

маслахатига кўра Насрулло-нинг дорисига захар аралаштирганини чиндан ҳам бўйнига олган. Бунинг учун амир ўша захоти хар икки жинойтчини ҳамда ўз табибини ўлимга хукм этган».

Махаллий муаррихлар асарларида эса амир Нас-руллонинг маст холда ухлаб ётган чогида Кенагасбегим исмли хотини унинг кулогига симоб куйиб ўлдирганлиги айтилади. П. Равшанов амир кулогига симоб куйилганидан кейинги воқеаларни ўз китобида куйидагича баён этади: «Чалажон Кенагас ойимни икки боласи жасади билан кўшиб, Арк елкасидаги қадимий Чилдухтарон гўркудугига ташлаб юбордилар. Айтади-ларки, бу кудук ичи пишик гишдан ишлаб чиқилган бўлиб, борхо-борига тиг қадаб чиқилган экан. Чуқурлиги йигирма кулоч бўлган кудукка ташланган инсон танаси то пастга етгунча нимта-нимта бўлиб кесилиб тушаркан».

Амир Насруллонинг барча қилмишлари унинг ўзи билан қаро ерга қўмилиб кетса қошки эди. Лекин ундай бўлмади. Бухорога Стоддарт ва Коноллини йўллаган, лекин ўз элчилари амир томонидан ҳеч бир асоссиз қатл этилганидан қазабга келган Англия ҳукумати тез орада Бухоро хонлигига муносабатини кескин ўзгартиради. Бу ҳақда илгарирок номи айтилган Безакнинг 1861 йил 29 ноябрдаги қайдларида куйидагича ёзилган: «Англия ҳукумати Бухоро хонлигини бутунлай қучсизлантиришни мўлжалламоқда. Англия Афғонистонни Ўрта Осиёнинг қудратли давлатига айлантиришни кўзда тутиб, унга Бухоро, Хива ҳамда Қўқондан баъзи вилоятларни қўшиб олмакчи.

Агар биз Тошкентда қарор топиб, Қўқон орқали Хитой Туркистони билан алоқани таъминлагуни мизгача инглизлар бунга улгуришса, улар Ўрта Осиёда тўла ҳукмрон бўлиб оладилар, Ўрта Осиёнинг савдоси ҳам Хитой Туркистони савдоси билан абадий улар қўлига ўтади» (715-жамгарма, 1-қайд, 25-иш, 447-саҳифа).

Амир Насруллонинг қилмишлари қасофати шулар билангина тугамади. Амир вафотидан олти ойча кейинрок ўша Безак Россия қарбий вазирага бундай деб ёзади:

«Музаффар баҳорда яна Қўқонга қарши қарбий ҳаракатлар бошлашга тайёрланмоқдаки, шундай қилса биз учун гоёт фойдали бўлурди албатта» (ўша иш, 213-саҳифа).

Бу мустамлақачиларнинг Ўрта Осиёдаги хонликлар орасига низо солишдан иборат ёвуз мақсадларини яна бир бора қўрсатади.

«Амир Насруллонинг бу ҳато сиёсатининг натижа- си йигирма беш йилдан кейин ўгли амир Музаффариддинхоннинг асрида ҳам давом этиб, Тошканд ва Самарканд Русия тарафига ўтгандан кейин жадал тамом бўлди», деб ёзади Мулло Олим Маҳдум «Тарихи Туркистон»да.

Самарканддан ва Тошкентдан ташқари Хўжанд, Ўратепа, Жиззах каби йирик вилоятлар қор Россияси томонидан босиб олинганидан қечсиз ҳавотирга тушган амир Музаффар бу қучли душманга қарши қурашишда ўз қўшнилари — Қўқон ва Хива хонларидан мадад сўрашга мажбур бўлди. Бироқ амир Насруллонинг замон-замонларга етгулик ёвузликларини унутмаган бу хонлар амир илтимосини рад этадилар.

Энди элчилари амир Насрулло томонидан хиёнатқорона қатл этилган Англия ҳукуматидан Музаффархоннинг ёрдам сўрашдан бўлақ қораси қолмаганди. Нихоят, амир Музаффар Буюк Британиянинг Хиндистондаги олий қомиссари лорд Лауренс ҳузурига ўзининг Аббосқожа исмли элчисини махсус мақтуб билан жўнатади.

Амир томонидан қорс тилида йўлланган бу илтижо-мақтубда жумладан куйидаги сўзлар қитилган эди: «...Бир гуруҳ одамлар бу ерни (Бухоро амирлиги ҳудудларини қемокчи — Ш. Ю.) ўз тасарруфига олишга қиришдилар ва икки томон ўртасида жанг бошланди.

Ислом аҳди уруш маҳоратининг етишмаслиги туфайли боскинчиларга қарши чиқа олмади ва натижада айрим ерларни руслар босиб олдилар. Такдир тақозоси билан у ерлар руслар қўли остига ўтиб қолди... Ҳозирги вақтда ислом аҳди руслардан қутулиш ва халқ манфаати йўлида ёрдам сўраб Сизга мурожаат этадилар. Ҳозирда ҳар бир ҳаракат қулай вазиятга боғлиқ. Сиз бизнинг истакларимизни қабул этиш билан халқимизнинг манфаатларини инобатга олган бўласиз».

Аммо лорд Лауренс томонидан Англия ҳукуматига етказилган бу мактубга Лондон чурқ этиб жавоб бермади. Натижада вазият тобора кескинлашиб, орадан уч йил чамаси вақт ўтгач чор Россияси Бухоро амирлигини босиб олиб, уни ўз вассалига айлантиради.

Юсупов Шариф

“Тарих уммони сирлари” китобидан